


633.41
Ш-306

1/6809 of 2



ЧИГИТНИ КВАДРАТ-УЯЛАБ ЭКИШ




Ўздавнашр

А. Н. ШАФРИН

633.41к
Ш-306

ЧИГИТНИ КВАДРАТ-УЯЛАБ ЭКИШ

1/680906



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
Тошкент - 1961

МУНДАРИЖА

Чигитнинг уруғлик ва павдорлик сифати	3
Чигитни сақлаш ва уни экишга тайёрлаш	8
Чигит экишга онд муҳим агротехника қондалари	14
Экиш усуллари	16
Квадрат-уялаб ва тўғри тўрт бурчак шаклида уялаб чигит экиладиган участкаларни ажратиш ва ўсимликларини тўғри жойлаштириш схемаси	17
Чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялкаларнинг тузилиши	18
Экишни уюштириш	31
Бўшаткич қозиқ ёрдамида режа симни механик усулда кўчириш	33
Экиш техникаси	39
Экиш муддатлари	47
Экиш нормаси ва экиш чуқурлиги	53

На узбекском языке

А. Н. ШАФРИН

КВАДРАТНО-ГНЕЗДОВОЙ СЕВ ХЛОПЧАТНИКА

Госиздат УзССР — 1961 — Ташкент

Таржимон А. Ахраров
Редактор Ж. Жалолов

Техредактор Т. Аббосов
Корректор С. Саидаминов

Теришга берилди 15/II-1961. Босишга рухсат этилди 14/III-1961.
Формати 70×90/32. Бос. л. 1,75. Шартли б. л. 2,04. Нашр. л. 1,96.
Р. 06128. Тиражи 5000. Индекс: с/х.
Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 523-60.

ЎзССР Маданият министрлиги Главиздатининг 2-босмаҳонаси,
Янгийўл, Чехов кўчаси, 3. Заказ № 44. Баҳоси 6 т.

Колхоз ва совхозларимиз анча мустаҳкам-
ланиб, етарли миқдорда кучли техника ва би-
лимдон кадрларга эга бўлган ҳозирги вақтда
деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини
кескин кўпайтириш учун ташкилий ишларни
тубдан яхшилаш, ҳар бир район ва хўжалик
имкониятларидан усталик билан фойдала-
ниш, фан ва илғор тажриба муваффақиятлари-
ни оғишмай амалга ошириш, деҳқончилик ма-
даниятини кўтариш ҳал қилувчи аҳамиятга
эга бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг январь
(1961 йил) Пленуми Ўзбекистонда пахта ҳо-
силдорлигининг бир қанча йиллардан бери
суст ўсаётганлигини кўрсатиб ўтди.


Чигитни ўз вақтида яхшилаб экиб олиш —
мўл пахта ҳосили етиштиришдаги энг муҳим
агротехника тадбирларидан бири ҳисобланади.

ЧИГИТНИНГ УРУҒЛИҚ ВА НАВДОРЛИҚ СИФАТИ

Пахтачиликда икки хил: тукли ва туксиз
(ялангоч) чигит экилади. (1-расм).

Уруғлиқ чигит муайян стандартда бўлиши
керак. Барча экинларнинг уруғлиқ стандарти

СССР ҳукумати томонидан тасдиқланган. Аммо яланғоч чигит стандарти давлат томонидан ҳали тасдиқланган эмас. Стандартга тўғри келадиган чигит кондицион чигит дейилади. Кондиция талабига тўғри кел-




1-расм. Чапда туксизлантирилган (яланғоч), ўнгда тукли чигит.

майдиган чигитни экишга қонун йўл қўймайди. Чигит тўла етилган, яхши ва тез униб чиқадиган бўлиши керак. Соғлом ва униб чиқа оладиган чигитлар процентига унинг униб чиқиш даражаси дейилади. Ҳамма уруғлик чигит униб чиқиш даражасига қараб уч классга бўлинади. 1-класс чигит 95%, 2-класс чигит 90%, 3-класс чигит эса 85% униб чиқади. Чигитнинг униб чиқиш даражаси уни икки қават деворли термостатда (махсус шкафта) 30° температурада ундириб аниқланади. Термостат электр ёки керосин лампа-

си билан иситилади. Униб чиқиш даражаси 85 % дан паст чигит экишга ярамайди.

Чигитнинг униб чиқиш даражасини аниқлаш учун дастлаб, чигит уюмининг турли жойидан олинган ўртача намунадан ҳар қайсисини 100 тадан ҳисоблаб иккита намуна тайёрланади. Намуна учун олинган бу чигитлар рухланган ё алюминдан қилинган ванначаларга ёки товоқчаларга солинган нам қум устига териб чиқилади (2-рasm). Бу чигитли ванначалар термостат ичига қўйилади. Чигит ундирилаётганида термостат ичидаги температура доимо 30°, яланғоч чигит учун 25° бўлиб туриши керак. Ундиришнинг учинчи кун, яланғоч чигит бўлса, иккинчи кун ниш отган чигитлар саналади. Ниш отган чигит сонига



2-рasm. Чигитни идишдаги қумда ундириш.

қараб чигитнинг униб чиқиш энергияси (тезлиги) белгиланади. Чигитнинг униб чиқиш энергияси унинг дала шароитида бир текис уна олиши, соғлом ва ҳаётчан майсалар бера олишини кўрсатади. Чигит ундиришнинг бе-

шинчи кунн, яланғоч чигит бўлса, тўртинчи кунн ниш отган чигитлар охирги марта санаб чиқилади. Нормал равишда ниш отган ҳамма чигитларнинг сонига қараб, бешинчи кунн ёки тўртинчи кунн чигитнинг униб чиқиш проценти аниқланади. Касалланган ва чириган чигитлар алоҳида санаб чиқилади. Қамида 85% униб чиқа оладиган чигит экишга ярайди. Бу хил чигитнинг ҳар 100 тасидан 85 таси униб чиқишн керак.

Чигитнинг униб чиқиш даражаси унинг етуклиги, намлиги ва нечоғлик тўқ бўлишига боғлиқ. Совуқ тушгунча очилган кўсакдан терилган пахта чигитининг 85% дан кўпи униб чиқади. Совуқ тушгандан кейин очилган пахта чигитининг кўпчилиги етилмаган бўлади ва 85% дан ками униб чиқади. Етилган, аммо унча тўқ бўлмаган енгил чигит яхши унмайди, баҳорнинг ноқулай шаронтига бардош бера олмайди, касаллик ва ҳашаротлардан тез зарарланади. Тўла очилмаган кўсакдан терилган пахтанинг чигити сернам бўлади ва сақланганда тез бузилади, чирийди. Шу сабабли барча уруғлик чигитнинг намлиги 12% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Ўзбекистонда уруғлик чигит намлиги 8—9% бўлади.

Барча класс чигитларнинг тозаллиги, яъни яхши сифатли чигит миқдори 98% бўлиши керак. Стандартга мувофиқ чигитнинг ифлослиги 2% дан ошмаслиги лозим. Бу ифлослик асосан майдаланган чигит, тупроқ, ғўза пўчоқ бўлаги ва бошқа хас-чўплардан иборат бўлади.

Яланғоч (туксизланган) чигитлар учун ифлосланиш даражаси юқорироқ — 7% гача бў-

лишига ҳозирча йўл қўйилмоқда, чунки чигитни яланғочлаш усули ва туксизлаш машинаси ҳозирча етарли даражада такомиллаштирилган эмас. Туксизлаш вақтида кўп чигитлар чақилиб кетади. Майдаланган чигит тупроққа тушиб қолса, у чирийди ва ёш ғўза майсаларига касал юқтирадиган зарарли микроорганизмларнинг фаолиятини кучайтиради.

Чигитнинг майдаланган ва шикастланганлари ҳар уяга маълум миқдордагина чигит ташлаб экишда айниқса катта халал беради. Бу усулда ҳар уяга фақат бештадан чигит тушади, агар чигитларнинг бир қисми шикастланган бўлса, айрим уялар ғўзасиз бўлиб қолиши мумкин.

Қийғос ва бир текис майса ундириб олишда, чигитнинг ўз тукидан ташқари, унинг сиртида қолган толалар ҳам тўсқинлик қилади.

Сеялка билан экилаётганда толаси кўп қолган чигитлар бир-бири билан ўралашиб тўптўп бўлиб қолади ва сеялка тешигига тикилиб, чигитнинг тушишига халақит беради. Шу сабабли, совет ғўза нави чигитларининг сертуклиги 0,8% дан, ингичка толали совет ғўза навлариники эса 0,4% дан ошмаслиги керак. Чигит ҳар уяга маълум миқдорда уруғ экадиган сеялкада сепилса, у албатта туксизланган бўлиши керак. Бундай чигитларда қоладиган тук миқдори 0,2% дан ошмаслиги лозим.

Уруғлик чигит энг яхши навдорлик сифати-га эга бўлиши керак. Уруғлик чигитнинг навдорлик даражаси шу навга хос ҳамма ирсий хусусиятларга эга бўлган чигит миқдорига қараб белгиланади. Чигитнинг навдорлиги

процент билан кўрсатилади. Чигитнинг наводорлиги қанча юқори бўлса, у шунчалик бир текис бўлади, бундай чигитлардан ғўзалар бир текис кўкаради ва кўп ҳосил беради. Ўсимликлар бир текис ўсса, уларнинг сувга ва озиқ моддаларга бўлган талаблари ҳам бир хил бўлади. Бундай ғўзаларнинг ҳосили бир текис етилади, тола сифати юқори бўлади. Элита хўжаликларида етиштирилган уруғлик чигитнинг наводорлиги 100% бўлиши, яъни бошқа наводорлик аралашмаган жуда тоза бўлиши керак. Биринчи репродукциядан олинган чигитда бошқа наводорлик 1% аралашган бўлишига йўл қўйилади, демак бундай чигитнинг наводорлик даражаси 99% бўлади. Иккинчи, учинчи ва ундан кейинги репродукциялардан олинган уруғлик чигитларнинг наводорлик сифатлари далада апробация қилиш вақтида белгиланади ва уруғлик станцияси далаларига экиладиган чигит намунасига солиштириб текширилади.

ЧИГИТНИ САҚЛАШ ВА УНИ ЭКИШГА ТАЙЕРЛАШ

Чигитни сақлаш. Қолхоз ва совхозларга уруғлик чигит наводорлик районлаштириш планига мувофиқ, контрактация шартномасида кўрсатилган майдонга қараб маълум нормада берилади. Тайёрлаш пунктидан олинган чигитларга ордер — сертификат ёзилади. Бу сертификатда уруғлик чигитнинг таърифи, наводорлик сифатлари ва қаддан олинганлиги (тарихи) кўрсатилган бўлади.

Агар колхоз ёки совхоз тайёрлаш пунктидан бир-биридан фарқ қиладиган икки хил нав чигит оладиган бўлса, бу чигитлар аралашиб кетмаслиги учун алоҳида-алоҳида транспортда ташилиши керак.

Чигитни экишгача сақлаш учун ҳар бир колхоз, совхозда ҳар қайси партия чигит қулфлаб қўйиладиган алоҳида қуруқ бино ажратилади. Чигит сақланадиган омбор чигит келтирилишидан олдин дезинфекция қилинади ва оқланади. Қопланган чигит омборда бевосита ерга тахланса, энг пастки қатордаги чигитлар намиқиб, чирий бошлайди, шунинг учун чигитли қоплар ёғоч, тахта, бордон ёки қамиш таглик устига қўйилади. Чигит сақланаётган бинонинг эшик ва деразалари ҳаво очиқ кунларда очилиб шамоллатилади. Чигит тўғри сақланганда унинг сифати бузилмайди. Туксизланган чигит тез намиқади, шунинг учун унинг яхши сақланишига алоҳида эътибор этилади. Чигит сақланаётганда вақт-вақти билан текшириб турилади. Чигитда намиқиш аломатлари кўрилса, уни қуритиш учун дарров тегишли чоралар кўрилади. Намиқиб қолган чигитлар қуруқ жойга 10 см қалинликда ёйиб қуритилади. Уруғлик чигитнинг яхши сақланиши учун колхознинг правление аъзоларидан бири ёки колхоз уруғчиси, совхозда эса бўлим бошлиғи масъул қилиб тайинланади.

Чигитни экишга тайёрлаш. Чигитни экишга тайёрлашда, унинг уруғлик сифатини яхшилаш, униб чиқиш даражасини, униб чиқиш энергиясини ошириш ва касалликлардан юқумсизлантириш чоралари кўрилади. Бу чо-

ралар текис, соғлом майса ундириб олиш имконини беради.

СКГХ-4—6, СКГХ-4—6А, СКГХ-4—6Б маркали сеялкаларда одатдагича квадрат-уялаб экишда тукли чигит ишлатилади. Тукли чигитни экишга тайёрлашда қуйидаги ишлар қилинади: чигит очиқ ҳавода офтобда ёйиб қиздирилади; дорилаб касаллик юқумларидан тозаланади; ивителиди; гексахлоран сеппиб қориштирилади. Бу ишларнинг ҳаммаси колхоз ва совхозларда яхши ускуналанган махсус уруғлик пунктида бажарилади. Бундай уруғлик пункти ҳар 500—700 гектар экин майдонига биттадан ташкил этилади. Ҳар бир пунктда 4—5 та колхозчи ёки совхоз ишчиси ишлайди.

Пахта заводларида юқумсизлантирилган чигитлар уюмда ивителиди ва гексахлоран сеппиб қориштирилади.

Ҳар куни тайёрланадиган чигит миқдори ўша куни экишга етарли бўлиши учун чигитни дорилаш ва ивитиш календарь плани тuzилади. Бу план экиш графигига мослаб тuzилади. Чигитни экишга тайёрлаш плани экишга киришилгандан кейин чигит экиш ишининг қандай кетишига қараб ўзгартирилиши мумкин.

Ҳар уяга маълум миқдорда уруғ экадиган СТВХ-4 маркали сеялкада фақат туксизланган (яланғоч), йириклигига қараб сараланган (калибровка қилинган) чигит ишлатилади.

Чигитни туксизлантириш, саралаш ва дорилаш ишлари пахта заводидаги махсус цехда бажарилади.

Бу чигитлар қолхоз ва совхозларга экишга тайёр ҳолда берилади; улар экиш олдидан ивигитилмайди ва ҳеч дориланмайди.

Чигитни касаллик юқумларидан тозалаш усуллари. Деярли ҳар қандай чигитда гоммоз, илдиз чириш ва бошқа касалликларнинг юқуми озми-кўпми бўлади. Касаллик юқумини (чигит сиртидаги спора ёки бактерияларни) йўқ қилиш учун, чигит экишдан олдин заҳарли моддалар билан дориланади.

Чигит ҳўл ва қуруқ усулда дориланади. Ҳўл усулда дорилашда чигит заҳарли суспензия (сув аралашмаси) билан қориштирилади. Заҳарли суспензия селикат елимининг сувдаги эритмасига мис трихлорфенолят, меркуран каби заҳарли дорилар қўшиб тайёрланади.

Чигитни қуруқ усулда дорилашда у мис трихлорфенолят, меркуран, гексахлоран сингари дориларнинг порошоги ишлатилади.

Чигитни марказлаштирилган усулда (завадда) дорилаш. Уруғлик чигитнинг асосий қисми пахта заводида дориланади. Туксизлантирилмаган чигитлар пахта заводида одатда қуруқ дори — мис трихлорфенолят билан СП-3М маркали махсус машинада дориланади. Бу дори бир тонна чигитга 7 кг сарфланади. Чигит дориланганидан кейин қоғоз қопга солиниб, қоп оғзи тикилади ва қоп устига «дориланган — заҳар» сўзи ёзилган штамп босиб қўйилади.

Ҳар уяга маълум миқдорда уруғ экадиган сеялкада экишга тайёрланган яланғоч чигит ҳўл усулда дориланади, чунки қуруқ дори

яланғоч чигитга илашмай, тушиб кетади. Бунинг учун махсус заводда порошоксимон мис трихлорфенолят, меркуран каби заҳарли дори селикат елимига аралаштирилиб, паста тайёрланади. Паста ишлатилиши олдидан сувга аралаштирилади, сўнгра у ОС маркали махсус машинада яланғоч чигитга пуркаб қориштирилади. Дориланган чигит тез қурийди, аралашмада елим бўлганидан, чигит сиртида заҳар туриб қолади.

Чигитни колхоз ва совхозларда дорилаш. Пахта заводида дориланмаган тукли чигитлар одатда колхоз ва совхозда мис трихлорфенолят порошоги билан қуруқ усулда дориланади. Бу дорилаш иши ПУ-1 ва СПР маркали машиналарда ёки махсус цементланган майдончада курак билан қориштириб дориланади. Бунинг учун чигит майдончага 15—20 см қалинликда йўл-йўл қилиб ёйилади, сўнгра бунга мис трихлорфенолят заҳари сепилади ва икки киши курак билан яхшилаб аралаштиради. Бир тонна чигитга 7 кг заҳар сарфланади.

Заҳарли дориларни ишлатишда эҳтиёт чоралари. Заҳарли дориларни ишлатишда ва дориланган чигитлар билан ишлашда заҳарланиб қолмаслик чораларини кўриш зарур.

Ҳар гал иш бошланиши олдидан колхозчи ва ишчилар дориларнинг заҳарли хусусияти билан ҳамда дори ва дориланган чигитни ишлатиш қондаси билан яхшилаб таништирилиши зарур. Шу билан бирга заҳарли дори ва чигит албатта ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассиси назоратида ишлатилиши лозим.

Чигитни дорилашда ишловчилар баданни яхши сақлайдиган махсус коржома, резинка ёки керза этик, резинка қўлқоп кийиб, респиратор ва кўзойнак тақиб олишлари керак. Бундан ташқари, дори кишининг оғзи-бурни орқали унинг ичига кирмаслиги учун жуда эҳтиёт бўлиш зарур.

Заҳарли дори ва чигит ишлатиладиган жой яқинига овқат қўйиш ва бундай жойларда овқатланиш ёки чекиш мумкин эмас. Овқатланиш ва чекиш олдидан бет-қўлни совунлаб ювиш лозим. Мабодо, заҳарланганлик аломатлари кўрилса, дарҳол врач чақириш керак.

Чигитни уюмда ивитиш. Мис трихлорфенолят порошоги билан қуруқ усулда дориланган, туксизлантирилмаган чигит одатда уюмда ивителиди. Бундай чигитни ўрада ивитиш мумкин эмас, акс ҳолда чигит сиртидаги дорилар ювилиб оқиб кетади.

Чигит ивитилганда у бўртиб, муртаги ўсишга киришади; мана шу даврдан бошлаб чигит ташқи муҳит шароитидан таъсирланадиган нозик ўсимтага айланади. Чигит муртаги нормал ўсиши учун сувдан ташқари унга ҳаво, иссиқлик керак.

Ивитиш ва қориштириш қулай бўлиши учун чигит 1—1,5 м кенгликда ва 30—40 см қалинликда ёйилади. Уюмнинг бўйи экиш учун кунига талаб этиладиган чигит миқдорига қараб белгиланади. Чигит уюми оз-оздан бир текис ҳўлланади, уюмга сув гулчелакдан пуркалгани яхши, бу ҳолда чигит бетўхтов қориштириб турилиши керак. Ҳар галги сув пуркашдан кейин чигит баландлигини 50—70 см қилиб

уйиб қўйилади. 3—4 соат ўтгач, гулчелакдан сув сепиш яна такрорланади. Чигит бир текис ҳўлланиши учун бир сув сепиш билан иккинчи сепиш ўртасида яна бир марта кураклаб ағдарилади. Чигитга бу хилда сув пуркаш иши чигит уюми тагидан сув силқиб чиқа бошлагунча давом эттирилади. Бир тонна чигитга тахминан 200 л сув сарфланади. Чигит ивигитилгандан кейин унинг оғирлиги 60 % ошади.

Чигитни уюмда қанча вақт ивитиш масаласи ҳаво температурасига ва чигит экиш муддатига боғлиқ. Чигит эртароқ муддатда экиладиган бўлса 8 соат, кечроқ экиладиган бўлса 16—20 соат ивигитилади. Агар бундай чигитлар тезда экилмайдиган бўлса, 10 см қалинликда ёйиб селгитилади.

Чигитни гексахлоранга қориштириб олиш. Экилган чигитга ва ундан кўкараётган ғўза майсаларига кўк қурт, трипс тушмаслиги учун чигит экиш олдидан гексахлоран дустига қориштириб олинади. Мис трихлорфенолят билан дориланган чигит ивигитилгандан кейин юпқа қилиб ёйилади. 100 кг қуруқ чигитга 4 кг гексахлоран олиниб, чангланади ва яхшилаб қориштирилади.

Гексахлораннинг шу кўрсатилган нормадан кўпайиб кетишига йўл қўймаслик керак; акс ҳолда бу дори чигитга ва ундан кўкарадиган ғўзага ёмон таъсир этиши мумкин.

ЧИГИТ ЭКИШГА ОИД МУҲИМ АГРОТЕХНИКА ҚОИДАЛАРИ

Ғўза ўстиришнинг энг муҳим агротехника қоидаларидан бири экишдир. Яхши тайёрланган сернам ерга аъло сифатли чигит экиб, бир

текис соғлом майса ундириб олиш мумкин. Экишни тўғри ўтказиш учун, чигит етарли нам, иссиқлик ва ҳаво оладиган чуқурликка кўмилиши керак. Чигит анча ўтиришган, яхши капилляр кавакли тупроққа экилганида, у нам билан яхши таъминланади. Тупроқнинг пастки қатламларидан нам капилляр каваклар орқали юқори қатламларга тепиб туради. Юмшоқ тупроқ қавати остидаги чигит ҳаво ва иссиқлик билан бетўхтов таъминланиб туради, бу эса муртақнинг нормал ривожланиши ва чигитнинг униши учун жуда зарурдир.

Бунинг учун чигит кузда яхшилаб шудгорланган ёки кўкламда ҳайдалган ерга экилиши керак.

Уялаб ёки қаторлаб экишда чигитнинг тўғри жойланиши алоҳида аҳамиятга эга. Уялаб экканда уялар ҳам узунасига, ҳам кўндалангига адил жойланиши лозим. Шундай қилингандагина ҳар гектарда зарур миқдор ўсимлик тўғри жойлаштирилади. Квадрат-уялаб экишда чигитнинг тўғри тақсим этилиши айниқса муҳим ўрин тутди. Уялардаги чигит тўғри чизиқ бўйлаб жойлашмай, сал-пал бўлса ҳам, у ёқ-бу ёққа сурилса, ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлаш мумкин бўлмай қолади. Шу сабабли квадрат-уялаб экиладиган далаларни экишга пухта тайёрлаш ва бу усулда экишнинг барча қоидаларига қаттиқ амал қилиш талаб этилади.

Майсани қийғос ундириб олиш учун ҳамма чигитнинг бир текис қалинликда тупроққа кўмилиши катта аҳамиятга эга. Чигитлар бир хил қалинликда кўмилгандагина уларнинг

ҳаммаси бир хил ўсиш шароитига эга бўлиб, бир текис кўкариб чиқади. Агар чигит ҳар хил чуқурликда экилса, бир текис кўкармайди, тупроққа юза тушган чигитлар намнинг етишмаслигидан қуриб қолиб, унмайди, чуқур кўмилган чигитлар эса ҳаво ва иссиқлик етишмаганидан чириб кетади. Чуқур кўмилган чигитлар унса ҳам, қалин тупроқ қаватини ёриб ер бетига чиқа олмайди. Яхши ишланмаган серкесак далага экилган чигит ана шундай нотекис кўмилади.

Экиш усуллари

Ҳозирги вақтда пахтачиликда квадрат-уялаб ва тўғри тўрт бурчак шаклида уялаб ҳамда қаторлаб экиш усуллари қўлланилмоқда. Туксизлантирилган чигитни квадрат-уялаб экишда ҳар уяга тегишли миқдорда уруғ екадиган сеялка қўлланилмоқда. Квадрат-уялаб ва тўғри тўрт бурчак шаклида уялаб экишда чигит махсус сеялкалар билан экилади; бунда чигит квадрат ёки тўғри тўрт бурчак шаклида уя-уя бўлиб жойлашади.

Чигит ана шундай усуллар билан экилганда ҳамма ўсимликлар озиқланиш майдонидан, ёруғликдан барабар фойдаланади, ўсимликнинг ҳамма қисми ҳаводан яйраб баҳра олади, гўзанинг озиқланиш ва ривожланиш шароити қаторлаб экилгандагига нисбатан анча яхши бўлади. Натижада гўза майсалари текис униб чиқади. Энг муҳими шундаки, гўзаларни квадрат-уялаб жойлаштириш гўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш имкониятини беради. Бу эса қўл меҳ-

натини жуда камайтиради, барча ишларни қисқа вақтда ва ўз муддатида бажариш мумкин бўлади, эрта ва мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма зарур шаронт вужудга келади. Шу билан бирга бунда ғўзани парвариш қилиш учун одатдагича қаторлаб экилган ғўзани парвариш қилишдагига нисбатан қўл меҳнати икки баравардан зиёдроқ кам сарф бўлади.

Ҳозирги вақтда чигитни квадрат-уялаб экишда ҳар уяга тегишли миқдордагина уруф кўмиб кетадиган сеялкадан кенг миқёсда фойдаланиш айниқса муҳимдир. Бу усулда чигит одатдагича квадрат-уялаб экишдагига нисбатан уч баравар кам сарф бўлади. Кўкариб чиққан ғўзаларни ягана қилишнинг ҳожати бўлмайди ва ўсимлик дастлабки кунлардан бошлаб яхши шаронгта ўсади.

Квадрат-уялаб ва тўғри тўрт бурчак шаклида уялаб чигит экиладиган участкаларни ажратиш ва ўсимликларни тўғри жойлаштириш схемаси

Чигитни квадрат-уялаб ёки тўғри тўрт бурчак шаклида уялаб экиш учун анча текис ва катталиги камида 4 гектар келадиган участкалар ажратилади. Бу участкаларнинг катталиги аксари квадрат ёки тўғри тўрт бурчак шаклида, тахта узунлиги камида 200 м бўлиши керак. Участка қанчалик катта бўлса, трактор агрегати бурилганида ўсимлик шунча кам нобуд бўлади.

Тупроқ етарли даражада нам, яхши ишланган ва донатор бўлиши керак. Тупроқ серке-

сак бўлса, сеялка равон юрмайди, уялар тўғри ва аниқ бўлмайди, бу эса кейинчалик ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлашга имкон бермайди. Чигитни ҳар уяга тегишли миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкада экишда ер айниқса яхшилаб тайёрланган бўлиши керак. Чигит квадрат-уялаб ёки тўғри тўрт бурчак шаклида уялаб экилганда, тупроқнинг унумдорлигига ва паст-баландлигига қараб уялар қуйидагича жойлаштирилади:


уялар асосан 60×60 ёки 60×45 см ли схемада жойлаштирилади. Қия ва кам куч ерларда чигитни 50×50 см ли схемада экиш тавсия этилади.

Чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялкаларнинг тузилиши

1955 йилгача чигит асосан тўрт қаторли ССК маркали сеялка билан экилар эди; бу сеялка «Универсал» тракторига тиркаб ишлатиларди.

Ќўзани квадрат-уялаб жойлаштиришга ўтилиши муносабати билан, 1955 йилдан бошлаб чигит СКГХ-4 маркали сеялкада, 1957 йилдан эса СКГХ-4—6, СКГХ-4—6А, СКГХ-4—6Б маркали сеялкаларда экилмоқда. Бу сеялкалар ДТ-24—3, ДТ-24—3Т(В) ёки «Универсал» тракторларига тиркаб ишлатилади. Бу сеялкалар уялаб экадиган аппарат билан ва уяларни квадрат бурчакларига жойлаштирадиган мосламалар билан ускуналанган (3-расм).

Бу сеялкалар воситаси билан чигитни 45×45 см, 50×50 см, 55×55 см ва 60×60 см




3-расм. ДТ-24—3 маркали тракторга ўрнатилган
СКГХ-4—6А маркали сеялка:

1 — дозатор; 2 — режа симли ғалтак; 3 — ролик; 4 — кронштейн;
5 — тахта зинапоя.

ли схемаларда квадрат-уялаб, шунингдек одатдагича қаторлаб экиш мумкин.

СКГХ-4—6А ва СКГХ-4—6Б маркали сеялкаларнинг конструкцияси бирмунча яхшилانган, жумладан чигит экиш аппаратининг тузилиши яхшиланиб, у барча уяларга бир хил миқдорда чигит экадиган қилинган. Бундан ташқари, бу сеялкаларда чигит экиш билан бирга эгат биқинига ўғит солиб кетиш ҳам мумкин.

СТВХ-4 маркали янги сеялка (4-расм) илгари чиқарилган СКГХ маркали сеялкадан экиш аппаратининг бошқачалиги билан фарқ қилади. Бу сеялканинг экиш аппарати ҳар уяга маълум миқдорда чигит экадиган қилиб ясал-



4-раск. ДТ-24—3Т маркали тракторга ўрнатилган, ҳар уяга маълум миқдорда чигит екадиган СТВХ-4 маркали сеялка схемаси:
 1—экинш апарати; 2—сошник; 3—тўраиғлаш пружинасининг винти; 4 — резинка тўғинли ёилдирак; 5 — загортгач; 6 — галтак (прикатка).


ган. Аммо бу сеялкадан фойдаланишда экиладиган чигит туксизланган ҳамда йириклигига қараб сараланган ва қуруқ бўлиши керак. Мазкур сеялкада маккажўхори ва қўқонжўхорини ҳам экиш мумкин.

Ҳар бир уя квадратнинг ёки тўғри тўрт бурчакнинг худди бурчагига жойланиши учун СКГХ ва СТВХ маркали сеялкалар даланинг у бошидан бу бошига тортилган режа сим бўйича ҳаракат этади; бунинг учун сеялка рамасида симга миниб сирғилиб борадиган узлоуловитель бўлади.

Узунлиги 500—600 м келадиган режа симга муайян ораликда шайбалар ўрнатилади. Чигит 60×60 ёки 50×50 см ли схема билан экилганида шайбалар ўртасидаги оралик 60 ёки 50 см қилинади, 60×45 ёки 45×45 см ли схемада эса шайбалар ҳар бир 45 см га жойлаштирилади.

Режа сим тўғри тортилиши учун у динамометрли сим тортадиган иккита лебедка (5-расм) билан таъмин этилади. Сўнгги вақтларда оғир вазинли тортиш лебедкаси ўрнига бўшаткич қозиққа ўхшатиб ясалган енгил мослама ишлатилмоқда. Бу мослама хروطовой лебедка ва динамометрдан иборат бўлиб, режа симни тегишли даражада таранглашга ёрдам беради.

Квадрат-уялаб ва тўғри тўрт бурчак қилиб уялаб экишда ишлатиладиган СКГХ маркали сеялка рамадан ва бу рамага ўрнатилган, уялаб экадиган аппаратли тўртта ёки олтита сошникдан ёки учта режа симнинг иккита узлоуловителидан, галтакли загортачлардан, ик-



5-расм. Режа симли таранглаш лебедкаси:


1 — ғалтак; 2 — ғалтак ўқи; 3 — даста; 4 — режа сим; 5 — режа сим шайбаси; 6 — лебедка рамаси; 7 — якорь; 8 — таранглаш лебедкаси; 9 — косинка; 10 — йўналтирувчи ғалтак; 11 — трос (сим); 12 — динамометр; 13 — динамометр корпуси; 14 — пружина; 15 — стержень; 16 — стержендаги риска; 17 — ғалтак стойкаси; 18 — ғалтак қулфи.

кита окучникдан, иш органларини кўтариш ва тушириш механизмидан, экувчи аппаратни юргизувчи механизмдан, уруғ солинадиган яшик ва маркёр каби асосий қисмлардан иборат.

Чигит тупроққа яхши кўмилиши учун сошникда кесакларни четга сурадиган мослама бўлади.

Сеялканинг экиш аппарати чигит солинадиган темир бачекдан ва унинг ичидаги уруғ

қориштіргичдан ва чигитни экиш тешигига узатиб турадиган мосламалардан иборат. Бачекнинг тагидаги ғалтак тиши воситасида чигит уруғ трубасига ўтади. Бачек тагидаги кертикда сурма қопқоқ (заслонка) бўлиб, шу қопқоқ орқали чигит кўп ёки оз тушадиган қилинади. Уруғ экадиган аппарат куч узатувчи механизм ёрдамида трактор кучи билан ҳаракатга келади. Сеялка сошниги эгатча очиб ва чигитни маълум чуқурликка кўмиб кетади. Сошник иккита юздан иборат. Бу юзлар олди томондан бир-бири билан эритиб уланган ва юқорига қаратиб қайрилган бўлиб, тупроқни кесиб кетадиган ўткир кўкрак ҳосил қилади.



6-расм. СКХ-4 маркали сеялкадаги сошник ва уя ясовчи аппарат:

1 — полозок; 2 — уя ясовчи аппарат корпуси; 3 — куракчали диска; 4 — диска валиги; 5 — ҳаракат узатмаси.

Сеялкада сошник тепасига уялаб экадиган аппарат ўрнатилган (6-расм). Бу аппарат корпусдан, ичида куракчаси бўлган дискдан ва узатма механизмдан иборат. Узатма механизм

ёрдамида диска айланганда куракча дискадаги тешик орқали тўп-тўп чигит ташлаб кетади. Сеялка сошниги тепасида пружина бор. Бу пружина сошникнинг ерга ботиб ва даланинг нотекис жойида ҳам чигитнинг бир хил чуқурликда экилиб бориши учун ёрдам беради. Сеялкада башмак (полозок) ҳам бор. Чигит экиш чуқурлиги шу башмакни юқорига кўтариш ёки пастга тушириш йўли билан тўғриланади. Башмак юқорига кўтарилса чигит чуқурроқ, пастга туширилса саёзроқ экилади.

Сеялканинг загортач ва ғалтаклари сошник орқасида бўлиб, улар чигитни тупроққа кўмиб боради. Ҳар бир сошник орқасида иккита загортач ва битта ғалтак бўлади. Загортачнинг ерга кириш чуқурлиги уни юқорироқ кўтариб ёки пастроқ тушириб қўйиш йўли билан тўғриланади. Ғалтак экилган чигит устига тушаётган тупроқни салгина босиб кетади. Бунинг натижасида тупроқнинг остки қатламларидан чигитга нам тегиб туради; ғалтакнинг чигит экилган чизик усти бўйлаб ҳосил қилган дўнғчаси эса ёмғирлардан кейин ер бетини қатқалоқ бойлашдан сақлайди. Ғалтакнинг тупроқни босиш кучи ундаги пружина воситаси билан тўғриланади. Оғир ва сернам тупроқли ерларда ғалтак тупроқни енгилроқ куч билан босиши керак. Енгил ҳамда қуруқроқ тупроқларда эса ғалтак тупроқни қаттиқроқ босиши керак.

Окучниклар экиш билан бир вақтда эгат очиб кетади; бу окучниклар қатор оралатиб ўрнатилади.

Сеялкада автомат ҳам бор. Сеялкани қайириш вақтида шу автомат воситаси билан унинг иш органлари кўтариб қўйилади ва қайрилиб бўлганидан сўнг яна ишга солинади.

Сеялкадаги маркёр сеялка тиркалган тракторнинг иккинчи юриши учун ерни чизиб, нишон солиб кетади. Ҳар бир сеялкада иккитадан маркёр бўлади. Бу маркёрларнинг ҳар бири сеялканинг икки томонига ўрнатилади.

Режа симга узлоуловитель миндирилади ва у сеялка юрган вақтда ролик бўйлаб сирғалиб боради.

Сеялкадаги узлоуловитель роликлардан ва илгакли занжирдан иборат. Сеялка юганида илгаклар режа сим шайбаларига туртиниб, занжирни айлантиради. Айланаётган занжир уялаб экувчи аппаратнинг куракчасини ҳаракатга келтиради ва чигит сошник этагига тушади.

СТВХ-4 маркали сеялка 1960 йилдан бошлаб чиқаришга киришилди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек бу сеялка экиш аппарати-нинг айни замонда ерга ўғит солиб кетадиган ҳамда ҳар уяга маълум миқдорда чигит ташлайдиган бўлиши билан олдинги сеялкалардан фарқ қилади.

СТВХ-4 маркали сеялканинг экиш аппарати икки ишни: маълум ораликда уя очиш ва унга тегишли миқдорда чигит ташлаш ишини бажаради. Бу ишни сеялканинг экин аппаратидаги ячейкали (хона-хонали) диска ва уя ясовчи парракли диска бажаради.

Сеялкага икки хил типдаги уруғ экиш дис-каси қўшиб берилади. Буларнинг биттаси би-

лан ҳар уяга бештадан чигит, иккинчиси билан эса ҳар уяга олти-саккизтадан маккажў-хори экилади. Биринчи хил дискада бешта ячейка (хона) иккинчи хил дискада битта хона — тешик бўлади. Биринчи хил диска ячейкаси чигит энига ва йўғонлигига мос келадиган катталиқда бўлади; бинобарин, чигити ҳар хил йирикликда бўлган ғўза навларини экишда ячейкаси ўша чигит йириклигига мос келадиган диска ишлатилади.


СТВХ-4 маркали сеялкалар ҳозир уч хил: № 1, № 2 ва № 3 дискалар билан чиқарилмоқда. Бу дискаларнинг биринчиси билан 108-Ф нав ғўза типигаги чигитлар, иккинчиси билан ингичка толали ғўза навлари типигаги йирикроқ чигитлар, учинчиси билан майда чигитлар экилади.

Сеялка ишлаётганда диска айланади, чигит диска ячейкасига тушиб, отсекабель томон сурилади, у маълум миқдордан ортиқ чигитни чиқариб ташлайди. Ячейкада қолган чигит диска билан бирга чиқариб ташлагич олдига келади ва у экиш аппаратининг корпуси тагига чиқариб ташланади. Бу ерда айланаётган дисканинг парраги ҳалиги чигитни илиб олиб, сошник очаётган эгатчага туширади. Чигитни эгатчага тўп-тўп қилиб туширишда бир тўп (уя) билан иккинчи тўп (уя) ораси режа симдаги шайбалар орасига тенг бўлади.

Бу сеялканинг экиш аппаратини, зарур бўлишига қараб (масалан, сеялканинг бурилиш жойларига чигит экишда) чигитни одатдагича қаторлаб экадиган қилиб мослаш ҳам мумкин.

Уруғ бачегидаги чигит қатламининг диска устига тушадиган оғирлигини камайтириб, режа симга сарфланаётган кучни озайтириш учун диска устига оғирликни камайтирувчи тўсиқ ўрнатилган.

Сеялканинг экиш аппарати рамага осилган сошникка ўрнатилган (7-расм).



7-расм. СТВХ-4 маркали сеялканинг экиш аппарати:

1 — саралаш дискиси; 2 — диска куракчаси; 3 — марказий шестерня; 4 — поводокли фланец; 5 — кардан вал; 6 — оралиқ корпус; 7 — отсекагель; 8 — экиш аппаратининг корпуси; 9 — сурма қопқоқ; 10 — қаторлаб экишда чигит тушадиган тешик; 11 — оғирликни камайтирувчи тўсиқ.

Сошникнинг ерга чуқур ёки саёз кириб юриши ундаги пружина билан идора этилади. Сошник орқасида резина тўғинли ғилдиракча бор, бу ғилдиракча ерга тушган чигитни босиб, уни тупроққа зич ўрнаштиради.

Сошник орқасида яна загортач ҳам бўлиб, уяга тушган чигит устига тупроқни суриб уни кўмади, загортач орқасидаги ғалтак (прикатка) тупроқни босиб зичлайди.

Чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялкаларнинг ҳаммасида иккита (ўнг ва чап) таранглагич станция ёки бўшаткич қозиқ бўлиб, режа сим шулар воситаси билан тегишли даражада тарангланади.

Бўшаткич қозиқ енгил типдаги таранглаш станцияси бўлиб (10-расм), қозиқнинг юқори томони қайрилиб ушлашга мосланган, қуйи томони ерга осон ботиши учун найза қилинган. Қозиққа хомут воситаси билан рамка бириктирилган. Рамка учига рамка тиши ва тирак кавшарланган. Рамка тиш ва тираклар билан бирга қозиққа ҳар хил ҳолатда бириктирилиши мумкин. Рамка устида кронштейн кавшарланган трубка бор. Кронштейнга арқонли ёки тросли (йўғон симли) барабан ўқи бириктирилади. Трос ёки арқон учи илгакли. Қозиққа барабан юқорисидан қулфловчи дастак ва винт ёрдамида барабаннинг қулфловчи кронштейни маҳкамланади. Қулфловчи кронштейн иккита шчёка ва собачкадан иборат. Бу шчёкадан биттаси бирмунча кенг бўлиб, барабан храповигига нисбатан ҳолатига қараб ўнг қозиқ, чап қозиқдан фарқ қилади.

Сеялкани экиш нормасига созлаш. Сеялка-ни далага олиб чиқиш олдидан у кўздан кечи-рилади, ремонт қилинади ва созланади. Жум-ладан, сеялканинг тракторга тўғри ўрнатил-ганлиги, сошникларнинг ўзаро тегишли масо-фадалиги, узлоуловителларнинг тўғри монтаж қилинганлиги, маркёрларнинг узун-қисқалиги, режа симдаги барча шайбаларнинг ўз жойи-далиги текширилади ҳамда сеялка мойлана-ди. Квадрат-уялаб экадиган СКГХ маркали сеялканинг тегишли нормада чигит экишига, барча сошникларидан уруғ бир вақтда туши-шига алоҳида эътибор этилади.

СКГХ маркали сеялкани белгиланган нор-мада чигит экадиган қилиб тўғрилаш учун у транспорт ҳолатига қўйилади. Бачегига иви-тилган чигит солинади: уруғ трубаси (семя-провод)нинг қуйи воронкаси уя ясовчи аппа-ратдан чиқарилади, шундан кейин сеялканинг етакчи ғилдираги айлантририлади. Агар ғилди-рак 15 марта айлантририлганида ҳар бир уруғ трубасидан қуйидаги миқдорда чигит тушса, экиш аппарати тўғри созланган ҳисобланади:

60×60 см ли схемада экишда — 500—600 дона;

55×55 см ли схемада экишда — 550—660 дона;

50×50 см ли схемада экишда — 600—720 дона;

45×45 см ли схемада экишда — 660—800 дона;

60×45 см ли схемада экишда — 660—800 дона.

Мана шунда ҳар уяга 10—12 тадан чигит экилади.

СКГХ маркали сеялкани созлаш қуйидагича тугалланади: текис ерга режа сим тортилади ва шу сим бўйлаб сеялка (сошникини тупроқ-қа киритмай) нормал тезликда юргизилади.

100 та уяга тушган чигит миқдори саналади ва бу миқдорни 100 га бўлиб, ҳар бир уяга ўртача қанчадан чигит тушганлиги аниқланади. Бундан ташқари, белгиланган миқдорда (10—12 дона) чигит тушган уялар ва бу белгиланган миқдордан битта чигит ортиқ ёки кам тушган уялар саналади. Бундай уяларнинг миқдори барча уялар миқдорига нисбатан 75—80% ни ташкил этса, сеялканинг экиш аппарати тўғри созланган ҳисобланади.

Уяларнинг режа сим шайбаларига нисбатан тўғри жойланиши қуйидагича текширилади: сеялка (сошникларни кўтариб қўйиб) текис майдончада олдинга ва кейинга қаратиб юргизилади; кейин ҳосил бўлган саккизта (ўн иккита) уя орасига каноп ип тортилади. Агар уялар тўғри жойлашган бўлса, каноп ип ҳамма уялар ва режа сим шайбаси ўртасидан тўппа-тўғри ўтади. Борди-ю, текширилганда уялар у ёқ-бу ёққа чиқиб қолган бўлса ва каноп ип шайба марказидан ўтмаса, бу тақдирда узлоуловителнинг сеялка рамасига нисбатан жойланиши тўғриланади.

Сеялканинг ҳамма сошниклари бир вақтда чигит экиб кетишининг экинларни узунасига ва кўндалангига қаратиб ишлашда катта аҳамияти бор, чунки уяларнинг тўғри чизиқ бўйлаб жойланиши кўндаланг йўналишга қараб белгиланади. Шу сабабли экиш вақтида режа симни ҳар гал янги йўлга кўчирганда ана шундай тўғрилаш ва текшириш ўтказилади.

Квадратлар тўғри ҳосил бўлиши учун бўшаткич қозиқ ҳам текшириб кўрилади. Бўшаткич қозиқнинг барабани трубкада қозиқ тева-

рагида осон буриладиган, собачкаси ўқда эркин ўрнашиб ўз вазни таъсирида енгилгина қайриладиган, барабан устига қўндирилган қулфловчи даста осон айланадиган ва тортиш болтини тегишлича таранглайдиган бўлиши керак. Барабан тўғини устидаги чекловчи планка унга трос ёки арқон фақат бир қават ўраладиган қилиб ўрнатилади.

Режа сим бўшаткич қозиқ воситаси билан тегишлича тарангласини ундаги динамометр ёрдамида текширилади. Бунинг учун текшириладиган бўшаткич қозиқ ерга киритиб маҳкамланади, бундаги трос ёки арқонга динамометр бириктирилади, тормоз барабанидаги храповой муфтанинг қулфлаш собачкаси орқага қайрилади, динамометр планкасидаги тешикдан штирь чиқариб олинади ва тормоз барабанидаги тросни аста-секин бўшатиш билан динамометрдаги шкала кўздан кечирилади. Барабан бузуқ бўлмаса, бунда таранглаш кучи 22—25 кг га тенг бўлади.

Экишни уюштириш

Чигитни ўз вақтида, сифатли қилиб экиб олиш учун яхши тайёргарлик кўриш ва экиш пайтида экишга алоқадор барча ишларни пухта уюштириш зарур. Шунинг учун экиш бошланишидан 10—15 кун илгари барча тайёргарлик ишларини тугаллаб, об-ҳаво яхшиланиши биланоқ экишни қизитиб юбориш ва графикда кўрсатилган муддатда тамомлаш лозим.

Экиш планини тузишга ва кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор бериш керак. Бу план-

да колхоз ва совхозларда чигит экиш ишига жалб этиш мумкин бўлган одам кучи, моддий ва техника воситалари тўла ҳисобга олиниши керак. Ҳар бир хўжалик ана шу воситаларга асосан одамларни ишга жойлаш планини, чигит экиш ва чигитни экишга тайёрлаш графигини тузади. Бу планда трактор сеялкаларининг ҳаракат маршрути, зарур бўлиб қолганда одамларни бир бригададан иккинчи бригадага кўчириш тартиби кўрсатилади.

Чигит экиш вақтида асосий ишни тракторчи бажаради. Шу сабабли планда трактор бригадасининг дам оладиган ва овқатланидиган жойлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Планда чигитни квадрат-уялаб экишга тайёрлик кўриш ишлари алоҳида ўринни эгаллаши лозим. Трактор, сеялка, режа сим, ўнг ва чап бўшаткич қозиқ ёки сим тортиш лебедкаси ва бўшаткич қозиқнинг динамометрлардан иборат ҳар қайси экиш агрегати учун колхоз ёрдамчи инвентарь тайёрлаши ва агрегат ишида ёрдам қиладиган кишиларни ажратиши керак.

Ёрдамчи инвентарлар жумласига 1,5—2 м ли 10—15 та таёқ ва кичик қозиқчалар кирди. Бу қозиқчаларни экилган бир неча қатор чигит уяси ўртасига ўрнатиш билан тўғри квадрат ҳосил бўлаётганлиги текширилади.

Квадрат-уялаб экиш агрегатида тракторчи (у агрегат бошлиғи ҳам), сеялкачи, режа сим контролёридан иборат уч киши ишлайди. Олдин экиш агрегатининг шахсий состави белгиланади; бунга энг тажрибадор колхозчилар ажратилади ва улар экиш охиригача маълум тракторга биркитиб қўйилади.

Чигитни квадрат-уялаб экадиган агрегатда ишлайдиган кишилар албатта махсус тайёргарликдан (ўқишдан) ва аттестациядан ўтган, қўлида белгиланган нусхада шаҳодатномаси бўлиши зарур.

1958 йилдан бошлаб чигитни квадрат-уялаб экишда режа симни механик усулда диагональ бўйлаб кўчиришга киришилди. Чигит бу усулда экилганда уялар ўз жойига тушиб, аниқ квадратлар ҳосил бўлади.

Ҳар уяга белгиланган миқдорда чигит экадиган СТВХ-4 маркали сеялка ишлатиладиган бўлганда экишга тайёргарлик айниқса пухта ўтказилиши зарур.


Шу билан бирга дала кузда ўз вақтида яхшилаб шудгорланган, текисланган, эрта кўк-ламда бороналанган бўлиши, хуллас, ер дондор тупроқли бўлиб уваланиб туриши керак.

Бўшаткич қозиқ ёрдамида режа симни механик усулда кўчириш¹

Чигитни квадрат-уялаб экишда режа симни асосан механик усулда диагональ бўйича кўчириш методи қўлланилади. Чигитни шу усулда экишда меҳнат анча тежалади, далага олдиндан белги (нишон) солиб чиқишнинг ҳожати бўлмайди; бунда режа сим трактор ёрдамида, янги жойга кўчирилаверади.

А — Б қозиқлар билан маҳкамланган режа сим 8-расмда кўрсатилган тартибда, яъни синиқ чизик (БСА'А) бўйлаб тортилиб узлоуло-

¹ Бу боб Г. М. Рудаков, К. Қ. Қияткинларнинг «Чигитни сеялкада янгича экиш» брошюрасидан олинди.



8-расм. Режа симнинг механик равишда кўчирилиши.
Сеялка юраётганида сим қандай кўчиши пунктир
чизиқ билан кўсатилган.

витель (C) га миндирилса, бу ҳолда сеялка стрелка билан кўрсатилган томонга қараб юргизилганида, режа сим дастлабки жойи (BCA'A) дан янги жой (BCB'B'') га кўча беради. Режа симнинг A'—C ҳарфлари билан белгиланган қисми диагональ деб аталади.

Бу усул қўлланилганида чигит қўйидагича экилади. Сеялкани биринчи марта юргизиш учун далага тортилган тўғри чизиқ бўйлаб, унга параллель қилиб, сеялка бир ўтишидаги кенгликнинг ярмига тенг келадиган масофага режа сим тортилади. Сеялка биринчи марта ўтганидан сўнг бўшаткич қозик даланинг ҳали чигит экилмаган қисми томонига, сеялканинг бир ўтишидаги экиш кенлигига тенг келадиган масофага кўчирилади. Сеялкани бундан


кейинги ўтказишларда эса бўшаткич қозиқ сеялканинг икки марта ўтишидаги экиш кенглигига тенг келадиган масофага кўчирилади.

Сеялканинг ҳар галги ўтиши охирида сеялка даланинг иккинчи бошига бориб етганида режа сим сеялканинг экиш кенглигига тенг масофага ўз-ўзидан кўчади ва сеялканинг юриш йўлига параллель бўлган тўғри чизиққа жойлашади (бунинг учун тракторчи тракторни тўғри чизиқдан олиб бориши шарт).

Уяларнинг жойланиши шайбаларнинг жойланишига қараб белгиланади, лекин сеялка узлоуловителлари (C ва C') ни тегишинча созлаш йўли билан уяларни шайбалар рўпарасига силжитиш мумкин.

Сеялка 9-расмдаги стрелка A билан кўрсатилган томонга қараб юргизилганида режа сим кўчирилгандан кейин шайба III' билан белгиланган ҳолатдан III^2 билан белгиланган ҳолатга қайтариб, стрелка B билан кўрсатилган томонга юргизилганида эса III^3 билан белгиланган ҳолатга ўтади. Бу 9-расмдаги a — a чизигининг узунлиги режа сим шайбаларининг силжиш масофасини кўрсатади. Афтидан, режа симни кейинги кўчиришлар вақтида ҳам шайба C — C ёки D — D чизиқларига жойланса керак.

Сеялка стрелка A билан кўрсатилган томонга юргизилганида узлоуловителлардан бири чигитлар худди шайба рўпарасига (III^2 билан белгиланган жойга) экиладиган қилиб, иккинчи узлоуловитель эса агрегатни қайтиб юргизишда уялар a — a чизигига тенг масофада



9-расм. Бўшаткич қозик ёрдамида чигит экишда шайбанинг силжиши.

илгарига силжийдиган қилиб созланса, бу ҳолда ҳамма уялар бир чизиққа жойланаве-
ради.


Бинобарин, контроль чизиқларни тортмасдан туриб, режа симни механик усулда кўчириш-
да ҳам ўсимликлар квадрат-уялаб жойлаши-
ши мумкин.

Сеялка 8-расмдаги B' билан белгиланган нуқтага бориб етганидан кейин уни тўхтатиш зарур, чунки сеялка бу нуқтадан нарига ўтказилганида режа сим узилиб кетиши мумкин. Бу ҳолда даланинг бир қисмига чигит экилмай қолади. Агар запас сим (трос) ёки арқон ўралган айланма барабан билан таъминлан-

ган бўшаткич қозиқдан фойдаланилса, экиш-ни давом қилдириш мумкин. Сеялка Б' нуқтадан узоқлашган сари барабан айланиб, унга ўралган арқон бўшай беради, натижада режа сим узилмайди.

Бўшаткич қозиқнинг асосий қисми — даста (2) ва храповикли ғилдирак (3) билан таъминланган тормозлаш барабани (1) дан иборат (10-расм). Барабанга илмоқ (5) ёрдамида режа сим билан уланган трос (4) ўралган. Барабан ичида уни аста-секин айлантириб ва унга ўралган тросни бўшатиб турадиган тормозлаш мосламаси бор. Барабан кронштейн (6) га силжимайдиган қилиб маҳкамланган ўқ атрофида айланади. Бу ўққа махсус муфта ёрдамида барабан корпуси билан туташтирилган тормозлаш пружинаси жойланган. Бу барабан симнинг таранглик даражаси тормозлаш қаршилигидан ошиб кетган ҳолдагина пружина билан биргаликда айланади. Бундай ҳолат сеялка бўшаткич қозиққа яқинлашиб қолган пайтда юз беради. Кронштейн марказий ўқ атрофида трубка (7) ва барабан билан биргаликда эркин айланади. Марказий ўққа қулфлаш мосламаси ўрнатилган, бу мослама барабаннинг айланишига йўл қўймайди. Қулфлаш мосламасининг бир чеккаси дўмбоқчали бўлиши туфайли, барабан марказий ўқ атрофида биргина (чап ёки ўнг) томонга айланади. Рамка (11) воситаси билан бўшаткич қозиқ ерга маҳкамланади.

Экишга бошлашдан олдин барабан троси поводок (12) тешигидан ўтказилиб, илмоқ режа сим шайбаларидан бири устига қўйилади. Ба-



10-рasm. Чап томонга ўрнатиладиган бўшаткич қозиқ.
рабanni қулфлаб турадиган собачка (10) бў-
шаткич қозиқни ўрнатиш вақтида храповикли
ғилдиракдан чиқарилади. Сўнг сим узлоулови-
телга уланганидан кейин, қозиқ ерга маҳкам-

ланади ва айни бир вақтда сим тортиб тарангланади. Бўшаткич қозиқни ўрнатиш вақтида барабан айланса, бу ҳол симнинг зарур даражага тарангланганлигини кўрсатади.

Бўшаткич қозиқни ўрнатгандан кейин барабаннинг храповикли филдираги қулфланиб, барабаннинг айланиши тўхтатилади. Сеялка қозиққа яқинлашганида симни ва поводокни тортади, бу ҳолда поводок барабанни айлантириб, собачкани храповикли филдиракдан чиқаради. Барабан айлана бошлайди, унга ўралган трос эса бўшайди. Тросни ўраш учун барабанни тескари томонга ҳам бемалол айлантириш мумкин.

Бўшаткич қозиқлар ёрдамида экишда агрегатни тракторчи билан сеялкачидан иборат икки киши бошқаради.

Экиш техникаси

Динамометрлар билан таъминланган бўшаткич қозиқлар ёрдамида чигит экилганида, участканинг шаклига қараб, бу ишни даланинг ҳар қандай томонидан бошлаш мумкин. Экишни бошлашдан олдин участканинг бўйига кетган чегарасидан агрегатнинг бир марта ўтиш кенглигидаги масофага режа сим тортилади (11-расм).

Сеялкаларда режа сим ўралган барабанни ўрнатиш учун махсус кронштейнлар бўлганида, режа симнинг бир учи биркитиб қўйилгани ҳолда, бу сим тракторни салт юргизиш йўли билан тортилади. Сўнгра режа симнинг тўғри тортилганлиги текшириб кўрилиб, симнинг учлари бўшаткич қозиқ динамометрлар-

нинг шайбазацепларига (илинтиргичли шайбаларига) биркитилади; бу қозиқлар участканинг кўндаланг чегаралари ёнидаги уватларга ўрнатилади. Агар участка унга чигит экилган сари қаторлар узаядиган шаклда бўлса, чигит экиладиган қаторларнинг кейинчалик узайиши мўлжалланган қисмига тортиш учун бўшаткич қозиқларда етадиган узунликда запас режа сим қолдириш зарур.

Режа симни таранглашда храповик тишидан собачка чиқарилади. Режа сим тарангланиб, бўшаткич қозиқ ерга ўрнатилгандан кейин храповикнинг собачкаси ёпилади ва динамометрнинг кўрсатишига қараб режа симнинг тарангланиш даржаси текширилади. Режа симни ҳар иккала қозиқ ёрдами билан таранглаш керак.

Одатда, бўшаткич қозиқ ерга ўрнатилганидан кейин режа симни тарангловчи куч бўшаткич қозиқ томонидан вужудга келтириладиган кучга қараганда камроқ бўлади. Ана шу сабабли бўшаткич қозиқнинг тормозлаш барабанини айлантириш йўли билан режа симни янада таранглаш керак; бунда режа симнинг тарангланиш кучи (даражаси) бўшаткич қозиқларни текшириш вақтида уларнинг бири томонидан вужудга келтириладиган энг юқори тормозлаш кучига тенглашгунча барабан айлантирилади. Бундай тенгланиш ҳар иккала бўшаткич қозиқлардаги динамометр шкаласининг кўрсатишига қараб текширилади.

Мисол. Сеялкани бўшаткич қозиқлар билан таъминлашда уларнинг тормозлаш кучи-

ни динамометр ёрдамида текшириш натижалари бир қозиқнинг тормозлаш кучи 24,5 кг, иккинчисиники 25 кг эканини кўрсатди. Бинобарин, режа симни тортиб, бўшаткич қозиқларни ўрнатгандан кейин, бу қозиқларнинг тормозлаш барабанларини айлантириш йўли билан режа симнинг таранглик даражасини (тормозлаш кучини) 25 кг га тенг бўлган энг юқори даражага етказиш керак. Режа симнинг таранглик даражаси динамометр шкаласига қараб текширилади.

Режа симнинг тўғри тортилганлиги уни силкитиш йўли билан текширилади. Бундан кейин режа симнинг таранглик даражаси текшириб кўрилиб, нормал даражагача етказилади.

Режа сим таранглангандан кейин динамометр планкаларидаги бир-бирига тўғри келган тешикларга штирь ўрнатилиб, динамометрнинг занжирлари туташтирилади. Сўнг ра сеялкани биринчи марта тўғри юргизиш учун далага тортилган режа симдан чигит экиладиган томонга 1,5 м қочириб сеялканинг иккита узлоуловители ўртасидаги масофанинг ярмига тенг қилиб нишон қозиқлар ўрнатилади. Сўнг ра сеялка бўшаткич қозиқдан 5—6 м узоқликда (бу масофа узлоуловителдан бошлаб ҳисобланади) нишон қозиқлар билан белгилаб чиқилган чизиққа қўйилади, режа сим узлоуловителга миндирилади, сеялканинг маркёри туширилади ҳамда динамометрга қараб режа симнинг таранглик даражаси яна бир марта текширилади. Сўнг экишга киришилади.

Тракторчи далага қоқилган нишон қозиқ-

ларга мўлжаллаб тракторни тўғри чизикдан олиб бориши керак; бунда тракторнинг узала ўқи сеялканинг биринчи юриб ўтиш чизигига рўпара келиши шарт. Шу билан бирга маркёр дискаси сеялканинг навбатдаги ўтиш йўлини чизиб кетиши лозим.

Сеялкани биринчи ва ундан кейинги ўтка-зишларда трактор бир хил передачада доимий тезлик билан юргизилиши лозим.

Биринчи ўтиш олдидан сеялка текширилиб регулировка қилинади. Чигит уяларининг тўғри чизик бўйлаб жойлашаётганлиги канап ип тортиб текширилади. Бунда битта кўндаланг қатордаги ҳамма уяларнинг маркази режа симга нисбатан тик жойлашган чизикда бўлишига, режа сим шайбаларининг рўпарасига аниқ тўғри келиб туришига эришилади. Шу билан бирга сеялканинг белгиланган нормада чигит экадиган қилиб тўғри созланганлиги ҳам текшириб кўрилади.

Регулировка қилиш (созлаш) вақтида сеялкани худди экиш вақтидаги сингари нормал тезликда юргизиш жуда муҳимдир.


Регулировка тугаллангандан кейин сеялка дастлабки жойига қайтарилиб, у билан далага бир йўла чигит экилади. Даланинг иккинчи бошига ўрнатилган бўшаткич қозикқа бориб етишга 5—6 м қолганида сеялка тўхта-тилади. Сўнгра режа сим узлоуловителдан чиқарилиб, сеялка салт ҳолатга келтирилади ва дала чегарасида трактор бурилади. Бу бурилиш вақтида тракторнинг узала ўқи маркёр чизигига тўғри келиши керак. Бунда сеялка участканинг бўшаткич қозик ўрнатиладиган

кўндаланг чегарасидан 5—6 м узоқликда бўлиши керак.

Бундан кейин бўшаткич қозиқ режа сим билан бирга янги жойга кўчирилиб, сеялканинг узлоуловители рўпарасига ўрнатилади. Бу вақтда режа сим бўшатиш ҳолатда бўлиши керак. Бўшаткич қозиқ узлоуловителга миндирилган режа симни таранглаш билан бир вақтда ўрнатилади. Сўнгра тормозлаш барабанидаги храповикнинг собачкаси тишлаштиради ва динамометрга қараб режа симнинг тарангланиш даражаси текширилади. Текшириш вақтида динамометр режа симнинг зарур даражагача тарангланмаганини кўрсатса, бу ҳолда бўшаткич қозиқ барабанини айлантириш йўли билан режа сим талаб этилган даражагача тарангланади. Бундан кейин динамометрнинг пружинаси штирь билан маҳкамлаб қўйилади. Бунда режа сим шайбалари узлоуловителнинг шайбазацепларига тақалиб турмайдиган бўлишига эътибор бериш зарур (12-рasm).

Сеялкани қайта юргизишдан олдин иккинчи узлоуловителни текшириб кўриш зарур. Бунинг учун, чигит 60×60 см ли схемада экиланида, иккинчи узлоуловитель занжири унинг юқориги тармоғидаги шайбазацеп биринчи узлоуловителнинг шайбазацепидан 10—12 см «орқада» турадиган қилиб ўрнатилади; бу масофа занжирнинг 6—7 та ҳалқасига тенг келади.

Иккинчи узлоуловитель 10—15 см масофада тамоман регулировка қилиниб, бунда кўндаланг қатордаги чигит экиладиган уялар се-




12-расм. Бўшаткич қозиқ ёрдамида чигит экишда симдаги шайбазацепларнинг нисбатан жойланиши:

1 — биринчи узлоуловителдаги шайбазацепнинг ҳолати; 2 — иккинчи узлоуловителдаги шайбазацепнинг ҳолати.

ялкани биринчи марта ўтказишда ҳосил этилган уяларга рўпара бўлишига эришилади. Бундан кейин чигит экиш давом қилдирилади.

СТВХ-4 маркали сеялканинг иккинчи узлоуловителини созлашда энг аввал иккала узлоуловителнинг юлдузчалари (звездочкалари) созлаш дискаси билан бирга шундай бураб қўйиладики, бунинг натижасида диска гупчагидаги таянч билан муфта собачкаси тиш-лашсин.

Сеялкани учинчи ва ундан кейинги ўтказишлар ҳам иккинчи ўтказишдаги сингари бўлади, бироқ бунда бўшаткич қозиқ сеялканинг икки марта экиш кенглигига тенг келадиган масофага кўчирилади.



13-расм. Уяларнинг кўндалангига тўғри чизик бўйлаб жойланишини текшириш.

Сеялкани дастлабки икки марта ўтказишда узлоуловителлар тўғри регулировка қилинса, кейинги ўтишларда кўндаланг қаторлардаги уялар бир-бирига тўғри келиб туради. Чигит экиш вақтида бу кўндаланг қаторлардаги уяларнинг бир-бирига тўғри келишини ҳамда чигитларнинг қанча чуқурликка кўмилаётганлигини ва ҳар уяга тушган чигитларнинг сонини мунтазам равишда текшириб туриш зарур.

Сеялканинг экиш сифатини текшириш учун кўндаланг қатордаги уяларга қозиқчалар қадаб каноп тортилади, кўндаланг қаторлардаги уяларнинг тўғри жойланиши аниқланади. Бунда уяларнинг кўпи билан 4—5 см сурилишига йўл қўйилади (13-расм).


Шу участкада чигит экиш тамом бўлишида экиш бошлашдаги каби бу ерда ҳам тахминан 2,4 м келадиган, яъни сеялка кенглигича жой экилмасдан қолдирилади. Участканинг ўнг ва

чап томонидаги бу икки тахта ер, шунингдек участка боши ва этагидаги трактор буриладиган жойлар қаторлаб экилади. Бунда уялаб экадиган сеялкани қаторлаб экишга мослаштириб, участканинг трактор буриладиган бир томонидаги жойда сеялка уч марта юргизилади, кейин бир ўтишда чап томондаги ерни экиб чиқиб, трактор буриладиган иккинчи томондаги жойга ўтилади, бунда ҳам уч айланиб экилади ва ниҳоят, участканинг ўнг томонидаги тахта экиб чиқилади (14-рasm).

Сеялка ва трактор доимо кўздан кечирилиб, мойлаб турилади. Экиш сифати асосан тракторчи ва сеялкачининг ишига боғлиқ. Тракторчи иш вақтида трактор олдинги ғилдирагининг ҳеч оғишмай худди маркёр изидан боришига жиддий эътибор қилмоғи керак. Сеялкачилар сеялканинг ҳамма механизмларига: уялаб экадиган қисмларига, чигит тушадиган трубаларга, сошниклар, загортач ва ғалтакларнинг, айниқса узлоуловителнинг ишига қараб боришлари лозим.

Чигит экиш билан бир вақтда эгат ҳам очиб борилади, шу мақсадда сеялкага окучник ўрнатилади. Сеялкачи окучникнинг қатор ораси ўрталигидан тўғри юришини ва окучник чигит экилган қаторни кўмиб кетмаслигини кўздан кечириб бориши керак.

Чигитни квадрат-уялаб экиш иши сифатли бўлиши учун ҳар 15 гектар ерга чигит эккандан сўнг бўшаткич қозиқнинг тормозлаш барабан механизми мойланади ва тормоз кучи динамометр воситаси билан текшириб кўрилади.



14-расм. Бурилиш полосаларига чигит экиш:
 А — тракторнинг далага кириб бориши; Б — бурилиш полосаси;
 В — тракторнинг даладан чиқиши.

Экиш муддатлари

Чигитни экиш муддатини тўғри аниқлаш агротехниканинг жуда муҳим масалаларидандир. Экиш муддатини аниқлашда бир томондан ғўзанинг иссиқсевар ва иккинчи томондан ўсув даври узун ўсимлик эканлигини ҳисобга олиш керак. Чигит қанча эрта экилса, ғўзанинг ўсиши учун зарур вақт шунча узаяди, ҳосили, айниқса совуқ тушгунча териб олинadиган ҳосили (биринчи сорт пахта) шунча кўп бўлади. Аммо чигит жуда барвақт экилса, ғўза майсалари эрта кўкламги совуқлардан зарарланади; бу ҳол ғўзанинг ривожланишини кечиктиради ёки ёш ғўзанинг nobуд бўлишига сабаб бўлади.

Ќўза ҳам, худди бошқа экинлар каби, ҳар хил ўсув даврида ҳар хил шароит бўлишини талаб этади. Ќўза дастлабки ривожланиш даврида иссиққа айниқса талабчан бўлади. Масалан, бу даврда тупроқ температураси 20—25° га етса, яхши ивитилган чигит эккандан кейин тўрттинчи ёки бешинчи куни кўкариб чиқади. Агар тупроқ температураси 10° дан паст бўлса, чигит кўкармай ётаверади. Агар чигит узоқроқ вақт ивитилган ва бунинг устига чуқур экилган бўлса ёки экилган чигит устини қатқалоқ босиб чигитга етарли миқдорда ҳаво кириб турмаса ҳам, чигит чириб қолиши мумкин.

Туксизлантирилган чигитлар тупроқнинг намлик ва иссиқлик даражасига айниқса сезгир бўлади. Бундай чигитлар ивиб кўкарадиган даражада бўртиши учун атиги 3 соат кифоя қилади, ҳолбуки тукли чигит бўртиши

учун бир сутка ва кўпроқ вақт ивителиши керак. Сувни тез шимадиган туксизлантирилган чигит кўкариб чиқиш учун етарли бўлмаган, яъни совуқроқ тупроққа тушганда, ҳар хил зарарли микроорганизмлар таъсирига тез берилувчан бўлади.

Колхоз ва совхозларда ўтказилган тажриба натижаларига қараганда, сал ивитилган чигит совуқ тупроққа экилган бўлса, агар унга етарли даражада ҳаво кириб турса, анча узоқ (бир ойдан ошиқ) вақтгача ҳам униб чиқмайди. Сўнгра ҳаво исиб, қулай шароит вужудга келиши билан кўкариб чиқади. Шунинг учун чигит эрта муддатларда экиладиган бўлганда уни салгина ивитиб ёки ивитмай экиш керак. Бундай чигит экилгандан кейин унга ҳаво эркин кириб туришини таъмин қилиш учун ҳар галги ёғиндан кейин пайдо бўлган қатқалоқни тезда йўқ қилиб туриш керак.

Туксизлантирилган чигитлар барча экиш муддатларида фақат қуруқ ҳолда экилади.

Чигитни кеч муддатда, яъни иссиқ кунлар бошланиб кетгандан кейин экиш унчалик яхши натижа бермайди; чунки бунда ғўзанинг ўсиш даври қисқариб, унинг ҳосили анча камаяди. Бундан ташқари сурункасига бошланиб кетган иссиқ кунлар таъсири билан тупроқнинг устки қавати тез қуриб қолиши сабабли, ғўзанинг нормал кўкариб чиқиши жуда қийинлашади. Чигит шўр босган ерларга кечикиб экилганда ғўза янада сийраклашади, чунки иссиқ кунлар бошланиши билан тупроқ ости қатламларидаги шўр юқори қаватга кўтарилади ва чигитни, кўкартирмай қуритиб қўяди.

Бундан ташқари, чигит кечиқиб экилганда ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари кўпайиб кетиб, ердан энди чиқаётган ғўза майсаларини қуритиб қўйиш хавфи катта бўлади. Масалан, кўкқурт тунлами каби ҳашаротлар кўкламги иссиқ кунлар бошланиб кетиши билан кўплаб пайдо бўлади. Гоммоз касалликлари ҳам иссиқ кунлар бошланганда авж олиб кетади. Чигитни кеч экиш усули бирорта сабаб натижасида ғўзалар нобуд бўлган участкаларга қайта экишдагина қўлланилади.

Тупроқ температураси 10° га етмаган вақтларда ер ости сувлари юза жойлашган захкаш ерларга, кўклам серёғин келган йиллари бошқа хил ерларга чигит жуда эрта экилганда унинг кўп қисми чириб, ғўза сийрак бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда чигитни қайта экишга тўғри келади. Шунинг учун чигитни жуда эрта ёки жуда кеч экмаслик керак. Чигитни шундай бир муддатда экиш керакки, у экилгандан кейин тез орада зараркунанда ва касалликлар пайдо бўладиган вақтгача (ер шўри устки қатламга чиққунча) қийғос кўкариб чиқа олсин. Чигит экиш учун энг яхши муддат ва ҳаво тупроқнинг ўртача суткалик температураси $10-12^{\circ}$ га етганда бошланади. Бу вақтда тупроқда нам етарли бўлади, шўр ер бетига деярли чиқмайди, зарарли ҳашарот ва касалликлар унча кўпаймаган бўлади. Бундай шароитда тукли чигит $10-15$ кун ичида (унга ҳаво етарли кириб турганда) бир текис кўкариб чиқади; зарарли ҳашарот ва касалликлар кўпаядиган вақтгача анча тетиклашиб уларнинг таъсирига берилмайдиган бўлиб қолади.

Илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибала-
рига ва илмий текшириш муассасаларининг
маълумотларига кўра Ўзбекистоннинг турли
районларида, туксизлантирилмаган чигит экиш
ишини қуйидаги муддатларда тугаллаш тавсия
этилади.

Сурхондарё областининг жанубий районла-
рида чигитни 10 апрелгача, шимолий районла-
рида, ҳамда Қарши группа районларида, Бухо-
ро областининг кўпчилик районларида, На-
манган ва Қўқон группа районларида 15
апрелгача экиш керак.

Тошкент областида, Андижон, Фарғона ва Ки-
тоб группа районларида, Бухоро областининг
Кармана ва Конимех районларида ва Самар-
қанд областида 20 апрелгача экилиши керак.

Хоразм областида, Қорақалпоғистон АССР-
нинг жанубий группа районларида чигит 25
апрелгача, Қорақалпоғистон АССРнинг шимо-
лий районларида 30 апрелгача экилиши лозим.

Бу кўрсатилаётган муддатлар тахминий бў-
либ, кўклам эрта келган йиллари чигит экиш-
ни эртaroқ, кўклам кеч бошланган ва серёғин
келган йиллари эса кечроқ тугаллаш мумкин.
Шу билан бирга чигит экиш муддатлари ҳар
бир районда, ҳар бир колхоз ва совхозда ҳар
қайси участканинг тупроқ шароитига қараб
аниқланади. Енгил қум тупроқли ерлар, шу-
нингдек тупроқ остидаги шағал, қум, қатлам
юза жойлашган ерлар тезроқ исийди; шунинг
учун бундай ерларга чигит барвақтроқ экилади.

Ер ости суви юза жойлашган оғир ва соз
тупроқли ерлар эса кеч исийди, ёмғир ёғиши
натижасида бундай ерларда қатқалоқ ҳосил

бўлиб қолаверади; бинобарин, бундай ерларга чигит жуда барвақт экилса, ғўза сийрак бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир колхоз ва совхозда ҳар қайси участканинг тупроқ шароитини ҳисобга олиб, чигит экишнинг календарь плани тузилиши керак.

Колхоз ва совхозларда чигитни яхши муддатда экиб олиш учун, экишни ҳамма майдонларда 8—10 кун ичида ўтказиш лозим. Ерни чигит экишигача ишлаш ва экиш иши деярли батамом машиналаштирилган ҳозирги вақтда ҳар бир колхоз ва совхоз чигит экишни 5—7 кун ичида тугаллаши мумкин. Бу нарса илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси билан тўла исботланди.

Чигит қисқа муддат ичида экилса, колхоз ва совхозларнинг ҳамма участкаларида ғўза барвақт қийғос кўкариб чиқиб, мўл пахта ҳосили етиштириш учун асосий замин яратилган бўлади.

Экиш нормаси ва экиш чуқурлиги

Колхоз ва совхоз тажрибаларига қараганда, чигит экиш нормаси, яъни ҳар гектарга қанча миқдор чигит кетиши экиш усулига, чигитнинг сифати, йириклигига ҳамда тупроқ ва об-ҳаво шароитига қараб ҳар хил бўлади.

Мўлжалланган қалинликда бир текис майса ундириб олиш учун уялаб экиладиган майдонларда ҳар уяга 10—15 тагача, қаторлаб экилиб, кейин узунасига ва кўндалангига қаратиб ишланадиган далаларда эса ҳар метр ерга 50—60 тадан чигит тушиши зарур. Шунга би-

ноан, чигитининг йириклиги ўртача бўлган 108-Ф каби нав ғўзаларнинг чигитларини қуйидаги нормада экиш керак:

Уяларнинг жойланиш
схемас

1 гектарга экиш нормаси
(килограмм ҳисобида)

Уялаб экадиган сеялкада

60×45	45—55
60×60	35—45
60×50	50—60
55×55	40—50

*Қаторлаб экадиган сеялка экиб, кейин узунасига
ва қўндалангига ишланадиган майдонда*

45×45	160
60×45	130
50×50	140

Пахта тозалаш соноати чиқараётган уруғлик чигит анча сертук бўлади, шунинг учун ҳам чигит бир текис сочилмайди.

Чигитнинг бир текис сочилиб тушиши уялаб экадиган сеялка учун айниқса аҳамиятлидир. Шу сабабли, чигитнинг сочилишини яхшилаш мақсадида, саноат 1958 йилдан бошлаб туки туширилган чигит чиқара бошлади.

Уялаб экиш учун яланғочланган чигит жуда мувофиқ келади; бундай чигит яхши сочилувчан бўлиши, униб чиқиш даражаси ва бошқа сифатлари жиҳатидан одатдаги чигитларга қараганда афзалроқдир.

Белгиланган экиш нормалари ўрта ҳисобда олинган. Бу нормаларни чигит экиш муддати ва тупроқ шароитига қараб ўзгартириш мумкин. Чигит экиш даврининг дастлабки кунларида, яъни об-ҳаво тез-тез ўзгариб, ғўзанинг

ола чиқиб қолиш хавфи бўлган вақтларда экиш нормаси бир оз (10—20%) кўпайтирилади. Сўнгра температура шароити яхшилана бориши билан чигитни сарфлаш миқдори ўртача нормага етказилади. Экиш даврининг охирига бориб бу миқдор бир оз камайтирилади. Исиши қийинроқ бўлган оғир тупроқли ерларда экиш нормаси сал оширилиб, енгил тупроқли ерларда, аксинча, камайтирилади. Шунинг унутмаслик керакки, экилган чигит беками-кўст кўкариб чиқиши учун ер яхши ишланган, етарли даражада намли ва иссиқ бўлиши керак. Аксинча, чигит экилган ер ёмон ишланган, қуруқ ва совуқ бўлса, чигит ҳар қанча катта норма билан экилса ҳам, текис кўкариб чиқмайди.

Чигитнинг тегишли чуқурликда экилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Чигит 3—5 см чуқурликда экилганда энг яхши натижа беради. Агар чигит бу кўрсатилгандан юза экилса, ҳатто чигит экишга анча эрта киришилган бўлса ҳам, тупроқнинг устки қавати тезда қуриб, чигит кўкармай қолади. Борди-ю чигит 5 см дан чуқур экилса, бунда ҳам ғўза текис кўкариб чиқмайди, чунки тупроқнинг бундай чуқурликдаги қавати яхши исимади. Тупроқ исиб чигит уна бошлаганда ҳам унинг бунчалик қалин тупроқ қаватини ёриб чиқиши анча қийин бўлади. Шунинг учун чигит юза экилганда ҳам, жуда чуқур экилганда ҳам бир текис қалин майса ундириб олиб бўлмайди.

Об-ҳаво шароитига қараб чигит турлича чуқурликка экилади. Чигит эрта муддатларда, яъни ер унчалик яхши исимаган вақтларда

юзароқ (3—4 см чуқурликда) экилади. Тупроқ яхшигина исиб, ер тезроқ қурий бошлаганда эса чигит чуқурроқ экилади. Ер ости сувлари юза жойлашган оғир тупроқли ерларга чигит (ҳамма экиш муддатларида) юзароқ (3—4 см чуқурликка) экилади, чунки бундай ерлар жуда секин исийди. Шунинг учун тупроқ бетининг тез қуриб қолишидан қўрқилмаса ҳам бўлади. Чигит экишда унинг бир текис экилишини, чигитнинг қаторга ва уяга тегишли миқдорда тушишини ҳамда тегишли чуқурликка кўмилишини тез-тез синчиклаб текшириб туриш керак, чунки чигитнинг экилиш чуқурлиги сеялка сошиникларининг ўрнатилишига, даланинг паст-баландлигига, тупроқнинг ишланиши ва намлигига қараб ҳам ўзгаради.

Ҳар бир далада чигит экиш иши тугаллангандан кейин ўқариқлар олинади. Бу ўқариқлар четига яхши ивитилган чигит от сеялкасида ёки қўлда экиб чиқилади. Ўқариқ четларига ўз вақтида тезда чигит экиб чиқилгандагина бутун далада тегишли сонда гўза туплари жойлашган бўлади. Илғор колхоз ва айрим бригадаларнинг тажрибаларига қараганда, ўқариқ четларига чигит экиш туфайли ҳар гектардан олинadиган ҳосил 2—3 ц ошади. Ўқариқ четларига ва дала бурчакларига чигит экиб чиқиш билан бирга, дала яна бир марта яхшилаб текширилади. Чигит экилмай қолган жойлар бўлса, бу жойларга дарҳол чигит экиб чиқилади.
